БУГУНГИ СОНДА:














# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 45 (598)
2022 йил 24 июнь,
жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


# ЭНЕРГЕТИКА БОЗОРИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 июнь куни электр энергетикаси корхоналари фаолиятини трансформация қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли талаби тобора ўсиб, ёқилғи-энергетика тармоғи шунга мутаносиб модернизация қилинмоқда. Бу ишлар давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 мартдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси асосида олиб борилмоқда.

Хусусан, собиқ "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти негизида электр энергияси ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сотиш бўйича 3 та алоҳида тузилма ташкил этилди. 7 миллион истеъмолчи Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига уланиб, аҳолидан тўлов ундириш 100 фоиз таъминланмоқда. Генерация соҳасида жами 7 миллиард долларлик 19 та қуёш, шамол ва иссиқлик электр станциялари қуриш бўйича лойиҳаларга хорижий инвесторлар жалб қилинди.

Шу билан бирга, соҳада рақобатни яратиш, энергия таъминотининг ҳажми ва сифатини ошириш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўп. Жумладан, энергетика тизимини модернизация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун келгуси йилларда 20 миллиард долларга яқин инвестиция талаб этилади. Бунинг учун соҳада рақобатли бозорни шакллантириш ва хусусий инвесторларга шароитларни кенгайтириш зарур.

Шу боис йиғилишда энергетика бозорини бошқариш бўйича янги тизим яратиш масалалари муҳокама этилди.

Хусусий генерация корхоналари уланиши учун тенг шароит яратиш мақсадида "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг электр энергиясини ягона харид қилиш ва магистрал тармоқларни бошқариш ваколатларини ажратиш таклифи билдирилди. Бунда, ягона харид қилувчи компания барча электр станцияларидан электр энергиясини шартнома асосида сотиб олиб, йирик корхона ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотади. Магистрал тармоқ оператори эса электр энергиясини етказиб бериш, йўқотишларни камайтириш ва энерготизимни техник бошқариш билан шуғулланади.

Келгуси йилда 14 та туман ва шаҳарда "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖга муқобил тарзда, истеъмолчиларга электр энергиясини сотадиган хусусий чакана электр савдо компаниялари ташкил этилади.

Шунингдек, тармоқ раҳбарларига трансформация жараёнини жадаллаштириш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қила оладиган компанияларга айлантириш кераклиги таъкидланди. Соҳа корхоналарининг операцион харажатларини оптималлаштириш, электр узатиш тармоқларини янгилаш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Ҳукумат ва соҳа раҳбарларига ушбу ислоҳотларни амалга ошириш учун зарур бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

# Электр энергиясида табақалаштирилган нарх қулайликлари

**Бугунги кунда "Навоий ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти томонидан 240 минг 283 жисмоний ва 14 минг 734 юридик истеъмолчига хизмат кўрсатиб келинмоқда. Корхона тасарруфида 13 минг 412 километр 0,4-110 кВли электр узатиш тармоқлари, 95 дона нимстанциялар, 3 минг 621 дона 6-10/0,4 кВли трансформатор пункти мавжуд.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги "Ёқилғи-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан "Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими" (АСКУЭ)ни 2020-2021 йиллар давомида жорий этиш юзасидан тасдиқланган режага асосан вилоят бўйича 260 минг 941 дона ҳисоблагич алмаштирилди. Бундан ташқари, 3073 та ҳисоблагичга маълумотларни йиғиш ва узатиш концентраторлари ўрнатилди. Бугунги кунда ушбу тизим орқали барча электр ҳисоблагичлар кўрсаткичлари онлайн тарзда олиниб, ҳисоб-китоблар шу маълумотларга асосан юритилмоқда. Ундан ноқонуний фойдаланиш ёки ташқи таъсир ўтказиш мумкин эмас. Агарда шундай ҳолатлар юзага келса, ҳисоблагич дарҳол электр энергияси таъминотини тўхтатади ва тизимга хабар жўнатади. Электр тармоғи корхонаси ходими муаммони жойида ўрганиб, тегишли далолатнома тузади ва камчиликларни бартараф этиб, қайта тармоққа улаб беради.

Ушбу тизимнинг қулайлиги шундаки, электр энергиясидан қарздорлик юзага келганда, тизим автоматик равишда тармоқдан узилади. Истеъмолчи томонидан куннинг исталган вақтида тўлов амалга оширилганда автоматик тарзда тармоққа қайта уланади.

2-бет

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# ЯШИЛ ҚУРИЛИШНИ СЕРТИФИКАТЛАШ МАВЗУСИДА ОНЛАЙН СЕМИНАР






**"EDGE GREEN BUILDING CERTIFICATION SYSTEM" (Яшил қурилишни сертификатлаш тизими) мавзусида Жаҳон банкининг Халқаро молия корпорацияси томонидан ташкил қилинган онлайн семинарда Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш маркази масъуллари ҳамда бошқа вазирлик, идоралар ходимлари иштирок этишди.**

Мазкур семинарда "EDGE GREEN BUILDING CERTIFICATION SYSTEM"нинг фойдали томонлари ҳақида маълумотлар берилди ва ушбу тизимни Ўзбекистон шароитига мослаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Семинар иштирокчиларни қизиқтирган савол-жавобларга бой тарзда ўтди ва келгусида бундай учрашувларни давом эттириш тўғрисида келишиб олинди.

# "ЭНГ БИЛИМДОН ХОДИМ" ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ

**Қурилиш вазирлиги томонидан марказий аппаратда фаолият юритаётган ходимлар орасида меҳнат муҳофазаси бўйича "Энг билимдон" ходим мавзусида танлов ўтказилди.**

Танловда 10 дан ортиқ ходимлар иштирок этиб, уларнинг ҳар бирига 12 тадан тест саволлари тарқатилди. "Хавфнинг қандай турларини биласиз?", "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги янги қонун қачон қабул қилинган?", "Бахтсиз ҳодиса нима?" каби саволларга энг кўп жавоб берган ходимлар ғолиблар сафидан жой эгаллашди.

Натижаларга кўра, 1-ўрин Қурилишда техник меъёрлаш ва янги технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жасур Болтаевга, 2-ўрин Техник меъёрлаш маркази ходими Нигора Тўлагановага, 3-ўрин эса Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ходими Рухшона Ражабовага насиб этди.

– Ушбу танловни ўтказишдан мақсад, ходимлар орасида меҳнат муҳофазасини тарғиб қилишдир, – деди вазирлик касаба уюшмаси қўмитаси раиси Гулшан Отабоева. – Бу каби танловлар эса уларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ғолиблар вазирлик касаба уюшмаси қўмитаси томонидан совғалар билан тақдирланишди.



# ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ҚАТНОВИ ТИКЛАНМОҚДА




**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жорий йилнинг 20 июнь куни Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳридаги темир йўл вокзалида Душанбе – Тошкент – Душанбе йўналишидаги халқаро йўловчи поезди қатновининг йўлга қўйилиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу куни Тожикистон транспорт вазирлиги, "Рохи охани Точикистон" (Тожикистон темир йўллари) давлат унитар корхонаси раҳбарияти ва бошқа мутахассислар томонидан пандемия давридан сўнг илк халқаро йўловчи поезди қатнови тантанавор кузатилди.**

Таъкидлаш лозимки, Душанбе – Тошкент – Душанбе йўналишидаги халқаро йўловчи поезди 30 йил ичида биринчи бор мамлакатимизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан ўтиб, пойтахтимиздаги "Тошкент-Марказий" темир йўл вокзалига 21 июнь куни соат 13.43 да етиб келди. Пойтахт вокзалида эса қўшни давлатдан келган халқаро йўловчи поезди йўловчилари карнай-сурнай садолари билан тантанавор кутиб олинди.

Маълумки, мамлакатимизда темир йўл тизими ҳам қулайлиги, ҳам хавфсизлиги билан йўловчилар учун энг ишончли транспорт турига айланган. Шу боис, аҳолининг асосий қисми ушбу транспорт туридан кенг фойдаланади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг "Тошкент – Марказий" темир йўл вокзалидан нафақат маҳаллий йўналишларда, балки халқаро қатновларда ҳам поездларнинг ҳаракати йўлга қўйилмоқда.

Хабарингиз бор, 2020 йилнинг март ойидан бошлаб бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам Covid-19 инфекциясининг тарқалиши оқибатида нафақат маҳаллий, балки халқаро йўналишларда ҳам поездлар қатнови вақтинча тўхтатилган эди. Орадан 2 йилдан ортиқ вақт ўтиб ҳукуматимиз ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан темир йўл орқали халқаро қатновларни босқичма-босқич тиклаш мақсадида қўшни давлатлар билан олиб борилган ишончли ва самарали ҳамкорлик натижасида йўловчи поездларнинг халқаро қатнови яна тикланмоқда.

2-бет

## ТАДБИР

# Коррупция – муросасиз жиноят

**Жамолиддин ҚУРБОНОВ,**
Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси Комплаенс назорат бош мутахассиси.

**Навоий вилояти Қурилиш бош бошқармасида Президентимизнинг 2022 йил 14 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-154-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида вилоят Ички ишлар бошқармаси "Коррупция ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш" бўлими масъул ходимлари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.**

Унда сўзга чиққан ходимлар ҳамда вилоят бош архитектори А. Холмўминов, юрисконсульт Р. Арзиев ва бошқалар коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаблар, унинг оқибатлари, қонунчиликда бу бўйича белгиланган янги нормалар ва моддалар ҳақида сўз юритишди.

Бир сўз билан айтганда, коррупция муроса қилиб бўлмас жиноятдир. Уни таг-томири билан суғуриб ташлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар халқимизнинг фаровон ва тинч яшаши, юртимизда адолат ва тенглик, қонунга итоат этиш, уни ҳурмат қилиш каби фуқаролик позициясини шакллантираётгани билан аҳамиятлидир.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45 (598) 2022 йил 24 июнь

# ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ҚАТНОВИ ТИКЛАНМОҚДА













1-бет

Хусусан, жорий йилнинг 15 май санасидан "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Қазақстан темір жолы" МК" акциядорлик жамияти билан келишган ҳолда 647/648-сонли Нукус – Бейнеу – Нукус йўналишидаги халқаро йўловчи поездининг қатнови бошланди. Шу куни Ўзбекистондан Қозоғистонга пандемия давридан сўнг биринчи мунтазам йўловчи поезди қатнови ташкил этилди. 2022 йил 16 майдан бошлаб, Олма-ота-2 – Тошкент – Олма-ота-2 йўналишида 1/2-сонли "Тулпор-Талго" поездининг қатнови ҳам қайта тикланди. 2 ярим йиллик танаффусдан сўнг илк бор Ўзбекистонга қараб йўл олган ушбу поезд 17 май куни соат 11.05 да "Тошкент-Марказий" темир йўл вокзалига кириб келди. Таркиби 24 та йўловчи вагондан иборат бўлган мазкур поезд бир томонга ҳаракатланганда 425 нафар йўловчини ўз манзилига етказиш имкониятига эга.

Барча қулайликларга эга бўлган ушбу поезд ҳаракат жадвалига кўра ҳафтанинг душанба, чоршанба ва шанба кунлари "Олма-ота-2" темир йўл вокзалидан соат 18.32 да, шунингдек, ҳафтанинг сешанба, пайшанба ҳамда якшанба кунлари соат 12.39 да "Тошкент-Марказий" темир йўл вокзалидан ҳаракатини амалга оширади. Чипталарни электрон тарзда ҳамда темир йўл кассаларидан сотиб олиш мумкин.

Жорий йилнинг 2 июнь куни Ўзбекистон Президентининг таклифига биноан Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон расмий ташриф билан Ўзбекистонга келган эди. Икки давлат раҳбарлари келишувига кўра 20 июнь кунидан бошлаб Душанбе – Тошкент – Душанбе йўналишида йўловчи поездининг қатнови йўлга қўйилиши ҳақида хабар берилганди. Бу ҳақда музокаралар якунлари бўйича бўлиб ўтган брифингда маълум қилинди. Шу муносабат билан жорий йилнинг 20 июнь куни Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳридаги темир йўл вокзалидан йўлга чиққан йўловчи поезди Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё вилояти ҳудудига кириб келди. Қўшни давлатнинг йўловчи поезди мамлакатимизнинг жанубий вилояти орқали "Қудуқли", "Сариосиё", "Денов", "Қумқўрғон", "Дарбанд", "Деҳқонобод", "Қарши", "Самарқанд", "Жиззах" ҳамда "Гулистон" темир йўл вокзалларида тўхтаб, пойтахтимиздаги бош вокзал "Тошкент-Марказий" темир йўл вокзалига 21 июнь куни соат 13.43 да етиб келди. Ушбу поезд йўловчилари карнай-сурнай садолари остида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан тантанали кутиб олинди.

Эътиборлиси, эндиликда 301/302-сонли Душанбе–Тошкент–Душанбе йўналиши бўйича қатнаётган поезд Душанбедан душанба кунлари жўнаб, Тошкентга сешанба куни соат 13.43 да етиб келади. Тошкентдан сешанба куни соат 16.15 да жўнаб, Душанбега чоршанба кунига етиб боради.

Тошкентдан Душанбе шаҳригача бўлган темир йўл масофаси 916 километрни ташкил этади. Поезд 21 соат йўлда бўлади. У 10 та вагон, 4 та купе, 5 та плацкарт ва вагон-ресторандан иборат. Чипта нархи сотиш муддатига қараб чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда 381,4 минг сўмдан бошланади.

Маълумки, Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари узоқ тарихга эга, дини, маданияти ва урф-одатлари бир халқдир. Ўзаро қўшничилик ва яқин қариндошлик ришталари ҳам бу давлатлар фуқароларини яқин ришталар билан бирлаштириб туради. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Тожикистон Республикаси ҳукумати ўртасида "Фуқароларнинг ўзаро сафарлари тўғрисида"ги Битимга кўра, 2018 йилнинг 9 март санасидан Ўзбекистон ва Тожикистоннинг барча фуқаролари тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлганда 30 суткагача муддатга киришлари, чиқишлари, транзит ўтишлари ва вақтинча бўлишлари мумкинлиги ҳам икки халқ учун тарихий воқеа бўлди.

Бугунги кунда қўшни Тожикистон Республикасида 9 ярим миллиондан ортиқроқ аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, мамлакат пойтахти Душанбе 1 миллион атрофидаги аҳолига эга шаҳар ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон аҳолиси 35 миллиондан ортиқ бўлса, Тошкент шаҳрида 3 миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Демак икки давлат ўртасидаги 30 суткали визасиз битим ҳамда Душанбе ва Тошкент ўртасида ҳаракатланадиган йўловчи поездининг қатнови мамлакатларимиз ўртасидаги сайёҳлик йўналишини, тадбиркорлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кескин ривожланишига замин яратиши шубҳасиз. Зеро, Марказий Осиёнинг қарийб ярим аҳолисини ўзида жамлаган Ўзбекистон фуқароларининг қўшни давлатга сайёҳлик ташрифи, қолаверса, Тожикистон халқини юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент ҳамда Хива шаҳарларига бўлган қизиқиши ва сайёҳлик учун ташриф буюриши учун қулай транспорт тизимини яратилиши ҳар икки халқ учун фойдали бўлиши шубҳасиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири ўринбосари Абдусамат Муминов, "Тожикистон темир йўллари" ДУК раҳбарининг биринчи ўринбосари Б.Шодиев, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти раҳбарлари, икки давлат темир йўл мутахассислари ҳамда фахрийлар сўзга чиқиб, сўнгги 6 йил давомида ўзбек-тожик алоқалари сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан катта ривожланиш босқичларини босиб ўтгани, икки давлат Президентлари ташаббуси билан 30 йил ичида илк марта пойтахтларни темир йўл орқали боғлаган тарихий қатновни йўлга қўйилиши халқларимизнинг маданий ва иқтисодий ҳамкорлигининг муҳим қисми бўлишини айтиб ўтишди.

Тантанали кутиб олиш маросимида ўзбекистонлик ва тожикистонлик темирйўлчилар, қўшни давлатдан келган фахрий меҳмонлар, нуронийлар ҳамда йўловчилар сафар хавфсиз, қулай бўлганини айтиб, мамлакатимиз темир йўл вокзалларида йўловчилар учун яратилган қулайликлар аъло даражада эканлигини эътироф этишди.

Шундан сўнг, меҳмонлар учун пойтахтимиз Тошкент бўйлаб саёҳат уюштирилди. Марказий Осиёнинг энг катта шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилган сайёҳлар сўнгги йилларда шаҳримизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо беришди. Соат 16.15 да эса "Тошкент-Марказий" темир йўл вокзалидан Душанбе–Тошкент–Душанбе йўналишидаги йўловчи поезди жўнаб кетди.

Яна шуни эслатиб ўтиш лозимки, жорий йилнинг 23 июнидан бошлаб Россия Федерациясининг Самара шаҳрига ҳам йўловчи поезди қатнай бошлайди. Унга кўра, 5/6-сонли поезднинг Тошкент–Самара–Тошкент йўналишидаги халқаро қатнови йўлга қўйилади. У "Тошкент -Марказий" вокзалидан ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 19.05 да жўнайди ва шанба куни соат 18.14 да "Самара" вокзалига етиб боради. Самарадан жўнаш – якшанба кунлари соат 16.11 да, Тошкентга сешанба куни соат 16.56да етиб келади.

Тошкентдан Самарагача бўлган темир йўл масофаси 2 минг 271 километрни, сафар вақти эса 48 соатни ташкил этади. Поезд 11 та вагон, 3 та купе, 7 та плацкарт ва вагон-ресторанидан иборат бўлади.

Йўллар равон, транспорт воситалари қулай бўлса, аҳолининг мушкули осон, турмуш янада фаровонлашаверади. Демак, юртимизда тараққиёт сари яна бир мустаҳкам қадам босилиб, халқимиз учун қулай турмуш тарзини яратиш ишлари давом этмоқда.

# МОНИТОРИНГ – шаффофликнинг асосий таъминотчиси

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Миллий қурилиш соҳамиз ўзининг мукаммал тартиботига эга. Мавжуд қоидалар асосида бажарилаётган ишлар фуқароларга ноқулайликлар келтириб чиқармасдан, халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда. Аммо белгиланган шаҳарсозлик қоида ва нормаларини тўла англамасдан, ўзбошимчалик билан қурилиш-реконструкция ишларини олиб бораётганлар кам эмас.**

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, вилоятда шаҳарсозлик қоидаларига зид бўлган 746 та ноқонуний қурилиш мавжуд. Биргина Самарқанд шаҳрида 167 та турли бино ва иморат ўзбошимчалик билан тикланмоқда. Шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими томонидан 101 та, ер тузиш ва кадастр бўлими мутахассислари иштирокида 66 та ноқонуний уй-жой аниқланган.

Шунингдек, Самарқанд туманида 150 та, Ургутда 80 та, Нурободда 73 та, Паст Дарғомда 48 та турли иншоотлар аниқланган. Ҳозирда ҳудудий комиссиялар 385 та ноқонуний қурилиш эгаларига огоҳлантириш хатлари бериб, чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдимномалар киритди. 94 та объектдаги камчиликлар жойида бартараф этилди. Шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан йилнинг биринчи чорагида 158 та ноқонуний қурилиш учун турли чоралар кўрилиб, 14 та ҳуқуқбузарлик жойида бартараф этилган.

Самарқанд шаҳар ҳокимининг тегишли қарори асосида Рудакий ва Орзу кўчаларидаги фуқароларга тегишли турар ва нотураржой биноларини қонунда белгиланган тартибда кўчириш шарти билан рухсат берилган. Бироқ кейинчалик шаҳар ҳокими қарорига қўшимчалар киритилган ҳолда мазкур ҳудудда тураржой биноси қурилиши давом эттирилмоқда. Мазкур қурилиш ишларида бир қатор камчилик ва нуқсонлар борлиги, қурувчилар томонидан ишлар сифатсиз олиб борилаётганлиги сабабли, ушбу бинодан уй сотиб олган фуқаролар ўз норозиликларини билдирмоқда. Қизиғи, бу каби ҳолатлар шаҳарнинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиляпти.

Жумладан, Нарпай кўчасида 113, 115 ва 119-манзилларда жойлашган фуқароларга тегишли бино ва иншоотлар ўрнидан "Сельхозтехника" МЧЖ томонидан кўп қаватли турар жой биноси қурилишига рухсат берилган, бироқ қурилиш ишлари тугалланмасдан ҳамда ўрнатилган тартибда фойдаланишга қабул қилинмасдан фуқаролар кўчиб ўтиб яшамоқда. Ноқонуний қурилишлар бўйича вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳамда Самарқанд шаҳар қурилиш бўлими томонидан огоҳлантириш хатлари берилиб, чора кўриш бўйича шаҳар ҳокимлиги ер комиссиясига тақдимномалар киритилди.

Шаҳарсозлик талаблари ва қурилиш меъёрлари бажарилиши ҳамда сифат даражасини таъминлаш мақсадида "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимига 2 284 та қурилиш объектлари киритилди. Ушбу объектларга бириктирилган буюртмачи, лойиҳачи ва қурилиш назорати инспекциясининг инспекторлари планшетлар орқали тармоққа уланган. Мониторинглар ушбу тизим доирасида онлайн режимда амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, текшириш жараёнлари шаффофлигини таъминлашга ҳамда тизимда коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қиляпти.

# Янги тизимнинг афзалликлари кўп

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қурилишда истиқболли лойиҳалар қўлланилиб, турли платформа ва тизимлардан кенг фойдаланилаётгани соҳа вакилларининг вақтини тежаш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишда қўл келяпти.**



Жумладан, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимининг йўлга қўйилиши натижасида тармоқдаги давлат хизматларини тўлиқ рақамлаштириш, ҳужжатларнинг электрон шаклда айланишини таъминлаш, қурилаётган иншоотнинг ҳолатини реал вақт режимида кузатиб бориш имконини бермоқда.

Айни пайтда объектлардаги назорат жараёнлари автоматлаштирилиб, барча маълумотларни автоматик тарзда шакллантириш имкони яратилаётир. Масалан, самарқандлик тадбиркор, Отабек Ҳамидовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли у раҳбарлик қилаётган мажмуа қурилишида янги усуллар кенг жорий этиляпти. Бу эса, бинокорликда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, муаммоларни жойида ҳал қилиш, коррупцион тўсиқларни енгиш имконини бермоқда.

– Шу кунларда Самарқандга йўлдош шаҳарча – Сартепа массивида қад ростлаётган "Darjilina Hol" маиший-кўнгилочар марказида иш юритяпмиз. Соҳадаги ўзгаришларни кузатиб бораётганлигим боис, барча янгиликлардан хабардорман, – деди у. – Шунинг учун мактаб, МТТ, шифохона каби давлат инвестиция дастурлари асосида олиб борилаётган қурилишларга қўйилаётган талабларни бу ерда ҳам жорий этаётганимиз ҳар томонлама енгиллик бераётир. Натижа ҳам шунга яраша. Ишчи-хизматчилар фаолиятида самарадорлик яққол сезилмоқда.

– Халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган эзгу режа бизга қанот бағишлайди, – деди пудратчи, "Imhotekstroy" қурилиш компанияси сотув бўлими бошлиғи Юсуф Жафаров. – Юқори тажрибага эга Отабек Ҳамидов, Яъдулла Набиев, Сафар Аҳмаджонов, Азиз Ражабов кабиларнинг ишни тўғри ташкил этгани ютуқларга йўл очмоқда. Шу боисдан Самарқанддаги энг йирик мажмуадан иборат беш қаватли иншоот қурилишини келгуси йил Наврўз байрамигача битказиш мўлжалланган.

# Чирчиқда замонавий ва ҳар томонлама қулай массивлар кўпаймоқда

**Чирчиқ шаҳрининг Ифтихор маҳалласидаги "Янги Ўзбекистон" массивида қурилиш ишлари жадал бормоқда. Янгидан қад ростлаётган кўп қаватли замонавий уй-жойлар шаҳар кўркига кўрк қўшяпти. Ижтимоий соҳа объектлари сони ҳам кун сайин кўпайиб, Чирчиқ юртимиздаги энг кўркам ва жадал ривожланаётган шаҳарлардан бирига айланмоқда.**

Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев ва Чирчиқ шаҳар ҳокими Даврон Ҳидоятов мазкур массивда бўлиб, бунёд этилаётган кўп қаватли уйларнинг қурилишини тизимли ташкил этиш ишлари билан танишди.

Бу ердаги ичимлик суви таъминоти, электр энергияси, коммунал хизматлардаги камчиликларни бартараф этиш бўйича масъулларга топшириқлар берилди. Шунингдек, раҳбарлар қурилиш ишларини амалга ошираётган мутасаддилар билан суҳбатлашди. Улар мазкур массив Президентимиз топшириғи билан комплекс ривожланиш тамойили асосида бунёд этилишини, бундай ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш эканига эътиборни қаратди.

Шу сабабли ҳам қурилиш сифати, иқтисодий, ижтимоий инфратузилма тармоқлари ҳар томонлама аҳоли истакларига мос ва хос бўлиши кераклиги, замонавий инновация ҳамда инвестицияларни жалб этган ҳолда массивда бунёдкорлик ишлари кўламини янада кенгайтириш шу кун талаби экани таъкидланди.

Суҳбат давомида уй-жой қурилишида юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни бартараф этиб, объектларни режага асосан фойдаланишга топшириш зарурлиги ҳам таъкидланди. Зойир Мирзаев шаҳарда бунёд этилаётган янги кўприк қурилишини ҳам кўздан кечирди.

Мазкур ноёб лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у Чирчиқ шаҳрига олиб кирувчи 4Р12 магистрал йўли орқали Чирчиқ дарёси устидан ўтувчи муҳташам кўприк иншоотини ўз ичига олади, деб хабар беради ЎзА мухбири Абдулазиз Мусаев.

Етук муҳандис ва лойиҳачилар томонидан кўплаб муҳокамалар орқали янада такомиллаштирилган лойиҳа ўзининг қулай йўл ўтказгич ечимига эгалиги, унда тўхташ ҳудудлари, суғориш ва ирригация тизимлари, ташқи ёритиш қурилмалари эътиборга олиниб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам эътибор қаратилмоқда.

# Электр энергиясида табақалаштирилган нарх қулайликлари

1-бет

– Бугунги кунда электр таъминотидаги ўзгаришлар юзасидан берилаётган таклифлардан бири бу "табақалаштирилган нархлар" масаласидир, – деди акциядорлик жамиятининг Иқтисод ва молия масалалари бўйича директори Мирзоҳид Зарипов ЎзА мухбири Абдували Бўриевга. – Бу, аслида халқаро тажриба. Таҳлилларга кўра, вилоятимизда айни вақтда хонадонларда бир кунлик ўртача электр энергияси истеъмоли 100-110 кВт.ни ташкил этмоқда. Табақалаштириладиган нарх тизими жорий этилса, қарийб 63 фоиз истеъмолчи билан аввалги одатий нархда ҳисоб-китоб қилинаверади. Кунлик электр энергияси истеъмоли 200 кВт.гача бўлган 25 фоиз, 400 кВт.гача бўлган 8,9 фоиз ва бундан юқори бўлган 3,1 фоиз абонент табақалаштирилган нархда тўловларни тўлаши зарур бўлади.

Бундан ташқари, истеъмол талаби нисбатан паст бўлган тунги вақтларда фойдаланилган электр нархларининг ҳам кам бўлиши, аксинча, ҳолатда эса юқори бўлиши каби таклифлар ҳам бор. Албатта, бу келгусида электр энергиясидан самарали фойдаланишга олиб келади.



Жорий йилда манзилли дастурга асосан 424,6 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари, 102 дона трансформатор пункти ва 2 дона нимстанцияда янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб бориш режалаштирилган. Айни пайтда эса 187,5 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари, 44 дона трансформатор пункти янгидан қурилди ва реконструкция қилиниб, 14 миллиард 320 миллион сўм маблағ сарфланди.

Сўнгги йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қишлоқ ва маҳаллалардаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, вилоятда 364,4 километр электр тармоқлари, 169 дона трансформаторни янгидан қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, Кармана туманининг Дўстлик маҳалласи ва Қизилтепа туманининг Маликобод маҳалласидаги "Янги Ўзбекистон" уй-жой массивларида қуриладиган 2140 хонадонли 107 та кўп қаватли турар жой бинолари ташқи электр таъминоти учун 23,5 километр 10 кВли электр тармоқлари ўтказилади.

– Вилоятда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" Давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида 0,4-10 кВли электр узатиш тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш, реконструкция, модернизация қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа смета ҳужжатлари тўлиқ тайёрланди ҳамда экспертиза хулосалари олинди, – дейди акциядорлик жамиятининг Ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи Ҳусниддин Хўжаев. – Ҳозирги кунгача 116,3 километр электр узатиш тармоқлари, 42 дона трансформатор пункти янгидан қурилди ва реконструкция қилинди. Қурилаётган "Янги Ўзбекистон" уй-жой массивларини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 10 кВли электр узатиш тармоқлари учун Кармана туманининг Дўстлик маҳалласида 51 дона, Қизилтепа туманининг Маликобод маҳалласида 118 дона темир-бетон таянчларни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

**Жиззах вилояти**

# Янги клиника фаолият бошлади

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, ҳудудлар аҳолиси учун ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини ошириш, хусусий тиббиёт ташкилотларининг инвестициявий фаоллигини яхшилаш, уларни замонавий, юқори технологияли асбоб-ускуналар ва бутловчи қисмлар билан жиҳозлаш, шунингдек, тиббиёт туризмини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.**

Қарорга асосан, Ғаллаорол туманида ҳам бир нечта хусусий тиббиёт клиникалари ташкил этилди. Улардан бири Навбаҳор қишлоғида, М-39 автомагистрал йўлининг ёқасида жойлашган “Мажнунтол” номли клиникадир. Бу ерда 9 нафар олий маълумотли УТТ врачи, врач лаборант, терапевт, невропатолог, кардиолог, отоларинголог, эндокринолог, акушер-гинеколог ҳамда уролог врачлар, 18 нафар ҳамшира ва 6 нафар кичик тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқда.

Клиникага беморлар стационар ва амбулатор қабул қилинади. Муассаса замонавий ультратовуш текшируви аппарати, қон таҳлили аппарати, пешоб таҳлили аппарати ва автоклав билан жиҳозланган. Бу ерда консерватив даводан ташқари физиотерапевтик муолажалар, бурун бўшлиқларини ювиш, УВЧ, УЗТ, электрофорез, Зинда муолажаси, хиджама муолажаси, парафин аппликацияси, умуртқа поғонаси ва бўйин умуртқаларини тортиш ҳамда массаж муолажалари ўтказилади.

# Ҳашар йўли билан кўприк қурилмоқда

**Бахмал туманининг “Сарой” маҳалла фуқаролар йиғини, Сарой қишлоғидан оқиб ўтувчи Сангзор дарёси устига кўприк қурилмоқда. Эътиборлиси, кўприк маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан барпо этиляпти.**

18 метр узунликдаги, эни 4 метр бўлган кўприк Сарой қишлоғини 4Р40 автомобиль йўли билан боғлайди. Айтиш керак, ҳозирда мазкур автойўлга чиқиш учун ҳайдовчилар 18 километр масофани босиб ўтишлари керак. Кўприк битганидан сўнг эса йўлга кетадиган вақт сезиларли қисқаради.

**Қашқадарё вилояти**

# Тиббиёт масканлари ишга тушди



**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига асосан Ғузор туманида Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари маркази фаолиятини бошлади.**

Янги ташкил этилган марказга гемодиализ ҳамда МСКТ аппаратлари, видеогастроскоп ва видеобронхоскоп каби замонавий техникалар келтирилган. Эндиликда бу жойда Ғузор, Деҳқонобод, Қамаши ва Қарши туманлари аҳолисига травматологик, нейрохирургик, ангиохирургик (қон-томир хирургияси) ва кардиологик ёрдамлар кўрсатилади.

Шунингдек, туманда хусусий сектор ташаббуси билан янги тиббиёт маркази ишга тушди. Хусусан, аҳолига янада қулайликлар яратиш учун “Мевазор” МФЙда “Раъно опа мед фарм” МЧЖ шаклида тиббий хизмат кўрсатиш диагностикаси ва дорихона ўз фаолиятини бошлади. 200 млн сўм ўз маблағлари ва ТИФ Миллийбанк Ғузор филиалининг 235 млн сўм кредит маблағи эвазига барпо этилган марказда 6 нафар ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

**Фарғона вилояти**

# Ҳоким ёрдамчиси – маҳалла суянчи

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да ҳоким ёрдамчилари маҳалланинг чинакам суянчи ва таянчига айланиб бормоқда. Бу эса аҳолини ҳаётдан рози қилишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.**

Фурқат туманидаги “Чиркай” МФЙда 3 542 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда яқинда ўз фаолиятини бошлаган ҳоким ёрдамчиси Жамшидбек Бозоров томонидан 913 та оиланинг ижтимоий аҳволи бўйича ўрганишлар олиб борилди. Натижада 19 нафар фуқарога 10 йил муддатли ижара асосида 2,8 гектар ер майдони ажратиш учун тавсия берилди. 49 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиб, 75 нафар фуқаро ишга жойлашди. 22 нафар фуқаро оилавий тадбиркорликни ривожлантириши учун 402,2 млн сўм кредит олишга тавсия қилинди. 11 нафар фуқаро эса икки турдаги касбга ўқитилмоқда.

Уйма-уй юриб, маҳаллабай ўрганишлар ва хатлов жараёнларида тадбиркорликни йўлга қўйиш ҳамда оилавий даромадни ошириш мақсадида хонадон соҳиблари ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилишди. Маҳаллада ҳар бир ишда аҳолига кўмаклашадиган вакил борлигидан ҳамма хурсанд.

Умиджон Қўзиев ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан ҳозирда иссиқхона, паррандачилик фаолиятини ҳам йўлга қўйиш орқали оиласи ва 4 нафар кишини иш билан таъминлади. Бундан ташқари банкдан олган



6,2 млн сўм кредит маблағига 200 тадан ортиқ товуқ парваришлаб, кунига 100 тадан ортиқ тухум олиб, оиласини иқтисодий жиҳатдан таъминлаяпти.

# Янги корпусга биринчи ғишт қўйилди

**Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига қўшимча 90 ўринли бино қурилиши режалаштирилган эди. Яқинда ана шу марказнинг болалар Кардиохирургия корпуси биносига биринчи ғишт қўйилди.**

Янги бунёд этилаётган тиббиёт муассасаси учун 15,6 млрд сўм маблағ ажратилиб, жорий йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Қурилиш-таъмирлаш ишларини Баҳодиржон Акбаров раҳбарлигидаги Марғилон шаҳридаги “426-ХИКМК” МЧЖ жамоаси олиб боришмоқда.

# Реабилитация маркази фойдаланишга топширилди



**Қўқон шаҳрида зўравонликдан жабр кўрган аёлларни реабилитация қилиш туманлараро маркази фаолият кўрсата бошлади.**

Икки қаватли бинода шунингдек, Қўқон шаҳар ҳокимлиги қошидаги аёлларни тадбиркорликка йўналтириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари, ижтимоий мослашув хонаси ҳам фаолият олиб боради. Марказ қўшни туманлардаги аёлларнинг ижтимоий-психологик муаммоларини ҳам ҳал қилади.



# Инсонга наф келтириш – олий бахт

**Сўх туманидаги “Навобод” МФЙда яшовчи фуқаро Амирбек Нисоевлар оиласи турли сабабларга кўра бошпанасиз қолиб, собиқ “Сўх” ширкат хўжалиги ҳудудидаги дала шийпонларининг бирида яшаб келган.**

Ушбу оила туман секторлари раҳбарлари томонидан ўрганилиб, уларга уй-жой қуриб бериш учун келишиб олинган эди. Асосийси, уй қуриш учун ер майдони йўқлиги муаммо бўлиб, саховатпеша инсонлар туфайли бунинг ечими топилди.

Шу маҳаллада яшовчи, Сўх тумани ИИБ инспектори Дадахон Ҳидоятов ўз томорқасидан 0,8 сотих ер майдонини ушбу оилага берди. Саховатпеша инсонлар ва айниқса, ички ишлар бўлими ходимларининг саъй-ҳаракати билан мазкур оилага уй-жой қуриб берилди.

**Наманган вилояти**

# Сиҳатгоҳ янги қиёфага эга бўлади

**Косонсойдаги кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийсини мукаммал таъмирлашга киришилди. Санаторий ташкил этилганига ўттиз йилдан ошди. Бу ерда бажариладиган ишлар Намангандаги “Архдизайнлойиҳа” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан режалаштирилган.**

Сиҳатгоҳни замонавий талаблар даражасига келтириш, даволанувчиларга қулай шароитлар яратиш учун инвестиция дастурига мувофиқ 14 миллиард сўм маблағ сарфланади. Бош пудратчи – “Оташ” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари меъморчиликнинг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланиш, илғор хорижий тажрибаларни ҳам қўллашни мақсад қилишган. Муассаса дарвозасидан тортиб, ҳудуддаги биноларнинг ташқи ва ички кўринишлари ҳам тамоман янгиланади. Ётоқхоналар, ошхона, муолажа хоналари, амфитеатр – ҳаммаси бутунлай янги кўриниш касб этади.

Мукаммал таъмирлаш ишлари келгуси йилнинг февраль ойида якунланади.

# Яна бир олий ўқув юрти

**Наманган вилоятидаги олий ўқув юртлари сони яна биттага кўпайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.**

Бу ерда халқаро баҳолаш дастурларидан (PISA, TALIS, PIRLS) фойдаланган ҳолда ўқитишнинг замонавий шакллари ҳамда методларини жорий этиш кўзда тутилган. Муассасада ушбу билим ва кўникмаларга эга бўлган олий маълумотли мутахассислар ҳамда илмий-педагогик кадрлар тайёрланади.

Институтда ўқув жараёни шу йил сентябрдан бошланади.

# Кичик саноат зонасида кулолчилик ривожланади

**Наманган азалдан ўзининг уста ва маҳоратли ҳунармандлари билан машҳур бўлган. Кулолчилик ҳам тараққий этган йўналишлардан бири ҳисобланган. Ишлаб чиқарилган сопол буюмлар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидоргир. Чунки уларнинг аксарияти санъат асари даражасига кўтарилган.**

Ана шу анъаналарни ҳисобга олган ҳолда кулолчиликка ихтисослашган кичик саноат зонаси барпо этишга киришилди. Тадбиркор маҳалласи ҳудудида қад кўтараётган КСЗда айни пайтда тупроқ ишлари бажарилмоқда. Тез орада қурилиш жараёни ҳам бошланиш арафасида.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Саидаҳмад Султанов бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар куни кеча мазкур саноат зонасида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. Қатор истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

# Янгиқўрғон мевалари – экспортга

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Янгиқўрғон туманида жойлашган “Sura General Investments” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона ўзининг дастлабки 20 тонна маҳсулотини экспорт қилди.**

Россия Федерациясидаги истеъмолчиларга гилос, ўрик, шафтоли, олхўри каби мевалар жўнатилди. Қўшма корхонага қарашли интенсив боғни барпо этишга бир неча йил аввал киришилган эди. Ўтган давр мобайнида уч миллион АҚШ доллари қийматига эга бўлган лойиҳа амалга оширилди. 105,8 гектар майдондаги боғда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган.

**Навоий вилояти**

# Ер участкалари аукционга чиқарилмоқда

**Шодиёр МАРДИЕВ,**
Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи.

**Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг бугунги кунига қадар ҳудудий қурилиш бўлимлари томонидан Навоий вилоятида “YERELEKTRON” ААТ тизимига 1 696 та 205,34 гектар ер майдонлари киритилди.**

Вилоятдан аукционга қўйилган 1 696 та ер майдонидан 309 таси тегишли ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиб рад қилинган. Шунингдек, 772 та таклиф этилган ер майдони муҳокама жараёнида, 584 таси аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, уларнинг 31 таси аукцион савдоларида сотилган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, яқинда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида, хизматлар соҳасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди ҳамда навбатдаги устувор вазифалар белгиланди. Давлатимиз раҳбари томонидан, ой якуни билан республикамизда 25 мингта ер участкаларини сервис ва савдо объектлари учун аукционга чиқариш шартлиги кўрсатиб ўтилди. Ерларни аукционга чиқариш жараёнлари ижарада – 48 кундан 15 кунга, мулк ҳуқуқида – 74 кундан 20 кунга қисқартирилиши, ер майдонларини баҳолаш экспертизадан ўтказилмаслиги, ҳақиқий баҳоси аукционда аниқланиши, 2023 йил 1 январдан бошлаб ерларни аукционга чиқаришда кадастр идораларида бор маълумотларни бошқа идоралар билан келишиш тартиби бекор қилиниши таъкидлаб ўтилди.

Албатта юклатилган вазифалар мутасадди раҳбар ва идораларга янада кўпроқ масъулият юклайди. Айни пайтда Навоий вилоятида ҳам ер участкаларини сервис ва савдо объектлари учун аукционга чиқариш мақсадида шаҳар ҳамда туманлардаги ишчи гуруҳи тадбиркорлар билан учрашиб, уларга мақбул бўш ер участкаларини ажратиб олиш, хусусий лойиҳа ташкилотларини жалб қилиб, топографик хариталарни ишлаб чиқиш, аукционга чиқариш учун тегишли идора билан келишиш ишлари олиб борилмоқда.

# Овул болаларига замонавий боғча

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Навоий вилоятининг Навбаҳор тумани Чорвоқгузар маҳалласида лойиҳа қиймати 3 млрд 365 млн сўмлик 120 ўринли замонавий давлат хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим муассасаси ишга тушди.**



Икки қаватли иншоотда тарбияланувчилар учун муносиб шароитлар ҳозирланди. Муассаса ишга тушиши билан 20 та янги иш ўрни яратилди. Йил охирига қадар туманда яна 4 та МТМ биноси қурилиши режалаштирилган.

Худди шундай яна бир боғча биноси Конимех туманининг Янгиғазғон овулида иш бошлади. 15-сонли “Каусар” давлат мактабгача таълим ташкилоти 1 млрд 300 миллион сўм маблағ ҳисобига тикланди.

– Бир пайтлар овулимиз олис чўл ҳудудида жойлашганлиги боис, 150 километр узоқликдаги туман марказига болаларни боғчага қўйиб келолмас эдик, – деди Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ибо Нарзиева. –Ислоҳотлар боис ҳаёт тарзимиз ўзгарди, қишлоқлар шаҳарларга, чўллар гулистонга айланяпти. Овулимиз янгича замонавий кўринишга кирган. Унда мактаб, боғча, тиббиёт пункти қурилди.

Пахтакор овули эса туманнинг обод ҳудудларидан бири. Адлия бўлими ДХМ ходимлари аҳолига қулайлик яратиш мақсадида сайёр хизмат ўтказди. Бу хизматдан энг кўп қувонган болалар бўлди.

– Энди биз ҳам боғчага борамиз, деган болакайларга қараб одамларга кўрсатган хизматимиздан қувондик, касб-коримиздан ғурурландик, – деди мактабгача таълим ташкилоти ходимлари.

Мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланиш учун 35 нафар болага йўлланма берилди.

МУНОСАБАТ

# КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҚАДРИ КАФОЛАТИ

**Нодира РАСУЛОВА,**
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, тарих фанлари номзоди.

**Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислоҳотлар халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгандир.**

2022 йилнинг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилиниши ҳам юртимизда инсон қадри, унинг манфаати ҳамиша юқори ўринда туриши керак, деган халқпарвар ғоянинг узвий давом этишида алоҳида аҳамият касб этди. Янги Ўзбекистоннинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида 7 та устувор йўналиш бўйича “Инсон қадри учун – 100 та мақсад” белгилаб олинганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, инсон қадрининг улуғланиши, ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг таъминланиши халқчил демократик давлатнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, инсон қадри – ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишидир.

Инсон қадри ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг ташкил этилиши, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳитнинг барпо этилишида намоён бўлади.

Сўнгги йилларда республикамизда илк бор фаолияти йўлга қўйилган янги тизим – Халқ қабулхоналари ҳамда Президентнинг виртуал қабулхонаси том маънода халқ овозини, жамоатчилик фикрини акс эттирадиган, унинг манфаатларини кўзлайдиган тузилмага айланиб бормоқда.

**“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”,** деган даъват республикадаги барча ташкилот ва муассасаларнинг кундалик фаолиятига айланмоқда.

Ижтимоий сиёсат мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда халқ фаровонлигини, одамларнинг ҳаёт даражасини ҳар томонлама ошириш, бунинг учун янги иш ўринлари, даромад манбаларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш иқтисодий стратегиямизнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар марказида инсон омили биринчи ўринга қўйилмоқда.

Биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятида амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ташаббускори фуқароларимиздир. Халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган **“Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғояси, шунингдек, фуқаролик жамиятининг асосий шарти бўлмиш инсон қадр-қимматини таъминланиши албатта, қонуний асосда мустаҳкамланиши лозим. Шу боис, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизни янги поғонага кўтариш мақсадида барча фуқаролар Асосий қонунимизни такомиллаштириш борасида ўзларининг таклифларини бермоқда.

Илгари амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойилини “инсон – жамият – давлат” деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустаҳкамлаш, шунингдек, **“Инсон қадри учун”** деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш мақсадида республикамизда Конституциямизни замон талабларига мос равишда янгилаш юзасидан Конституциявий комиссия тузилди.

“Жамият – ислоҳотлар ташаббускори” деган ғоя асосида ўз фаолиятини олиб бораётган Конституциявий комиссия кенг жамоатчилик вакиллари ва фуқароларимиз томонидан билдирилган барча таклифларни синчковлик билан ўрганиб, таҳлил қилмоқдалар. Бугунги кунда Ўзбекистонда Конституциявий комиссия фаолияти янгиликлари ва фуқаролардан таклиф қабул қилиш платформаси – meningkonstitutsiyam.uz порталига 48 мингдан зиёд таклифлар келиб тушган. Ҳар бир фуқаро ўзига мақбул тарзда Конституцияга ўз таклифларини бермоқда.

Куни кеча Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда ҳам Президентимиз Бош Қомусимизга ўзларининг қатор таклифларини берди. Жумладан, Ўзбекистон фуқаросининг мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиши, турар жой ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи, шахсий ҳаёт дахлсизлигининг кафолатланиши, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўйилмаслиги, ҳар бир шахснинг қулай меҳнат шароитида ишлаш, меҳнатига муносиб ҳақ олиш ҳуқуқлари, ўлим жазосининг тақиқланиши кабиларнинг таклиф этилиши ҳам “Инсон қадри учун” ғоясининг амалий ифодаси ҳисобланади. Зеро, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури ҳаётимизнинг барча соҳаларида устувор бўлмоғи керак. “Бош мақсадимиз – ҳар бир юртдошимиз ушбу ҳужжатни Менинг Конституциям деб фахрланадиган мукаммал даражага олиб чиқишдир” дея таъкидлади Юртбошимиз.

Республикамиз фуқароларининг Конституциявий ислоҳотларда ўз фуқаролик позициясини намоён қилиб, қатор таклиф ва мулоҳазаларни билдираётганлиги, шунингдек, уларнинг аксарияти Конституциявий комиссия томонидан ижобий баҳоланаётганлиги қувонарли ҳолдир. Бу “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи – халқдир” деган тамойилга тўла мос бўлади.

Шу ўринда биз ҳам инсон ҳуқуқларининг янада тўлиқроқ таъминланиши борасида Конституциянинг тегишли моддаларига қуйидаги таклифларни беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

ҳеч ким бирон-бир муайян ишни бажаришга мажбурланиши мумкин эмас. Мажбурий меҳнатга фақатгина суд қарори билан озодликдан маҳрум қилинган тақдирдагина рухсат этилади;

турар жой дахлсиздир. Тинтувлар фақат судья томонидан, кечикиш хавфи туғилганда эса қонунларда кўрсатилган бошқа органлар томонидан белгиланиши мумкин;

Ўзбекистон фуқароларини фуқаролигидан маҳрум қилиш мумкин эмас. Фуқароликни йўқотиш фақат қонун асосида амалга оширилади;

барча муаллифлар, ихтирочилар, олимлар ва санъат вакилларининг интеллектуал ҳуқуқи ҳимоя қилинади.

Республикамизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилишига ишонч билдирамиз.

# Туркиянинг йирик компаниялари вакиллари – Бухорода

**Зуҳриддин АҲАДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Вилоят ҳокими Ботир Зарипов туркиялик ишбилармонлардан иборат делегацияни қабул қилди. 82 та йўналиш бўйича 100 дан ортиқ давлатлар билан ҳамкорлик қилиб келаётган “Traffic Management” компанияси раҳбари Сезгин Эрбек ҳамда “Uch Nokta” МЧЖ, “Zarbuloq Engineering” МЧЖ хорижий корхонаси таъсисчилари билан бўлиб ўтган учрашувда Бухоро вилоятида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар ҳамда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.**

Мулоқот давомида туркиялик ишбилармонлар томонидан Ўзбекистоннинг, хусусан, Бухоро вилоятининг Туркияда ўсиб бораётган инвестицион жозибадорлиги ҳамда вилоятнинг туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги мавжуд салоҳияти алоҳида қайд этилди.

Давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги ўзаро яқинлик ҳамда халқларимизнинг тили ва ҳаёт тарзи бир-бирига ўхшашлиги ҳамкорликни янада осонлаштириш омили эканлиги таъкидланди.

Учрашувда транспорт, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, туризм, меҳмонхоналар, автомобиль ва темир йўлларни қуриш, йўлларда замонавий камералар, ақлли радар тизимлари ва светофорларни ўрнатишни жорий этиш каби масалаларда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Туркиялик ишбилармонлар Бухоро шаҳрида 83 гектар майдонда барпо этилаётган “Bukhara City” замонавий турар жой ва ишбилармонлик мажмуаси лойиҳасида иштирок этиш истагини билдиришди. Делегация аъзоларига “Bukhara City” мутасаддилари томонидан мавжуд имкониятлар ва шарт-шароитлар тўғрисида маълумот берилди.

“Bukhara City” дирекцияси раҳбари Азимжон Пўлатов туркиялик ишбилармон сармоядорга батафсил маълумот берар экан, Бухоро шаҳри марказида илк бор 32 қаватли бино, 1,7 гектарда экспомарказ ҳамда 1,4 гектарда технопарк ҳам қурилишини билдириб, ҳозирда АҚШ, Туркия, Россия Федерацияси, Корея Республикаси инвесторлари билан бир қаторда йигирмага яқин маҳаллий тадбиркорлик субъекти – инвесторлари ҳудудда ўз лойиҳаларини амалга ошираётганига тўхталди.

Ўз навбатида туркиялик сармоядорлар самимий қабул учун вилоят мутасаддиларига миннатдорлигини изҳор этишар экан, кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорода ўз лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун бор имкониятларини сафарбар этишга тайёр эканликларини билдиришди.

# ОКМК ЦЕМЕНТ ЗАВОДЛАРИДА ЯНГИ ТИЗИМ ИШГА ТУШИРИЛДИ







**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Яқинда “Олмалиқ КМК” АЖнинг цемент корхоналарида “Тайёр маҳсулотни юклаш жараёнини автоматлаштирилган тарзда назорат қилиш тизими”ни жорий этиш ишлари якунланди.**

– Тизим тайёр маҳсулотларни юклаш, мавжуд технологик ва бизнес жараёнларининг тезкорлигини ошириш, автоматлаштириш ва оптималлаштириш учун мўлжалланган техник дастурий ва аппарат воситаларининг йиғиндиси ҳисобланади, – деди Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармасининг технологик жараёнларни бошқариш тизимларини автоматлаштириш хизмати бошлиғи Зарифжон Алимов. – Илгари маҳсулот юклаш жараёнида инсон омили, бир қатор қоғоз ҳужжатлар, тушунмовчиликлар ва харидорлар орасида тартибсиз навбатлар вужудга келган. Замонавий тизимнинг жорий этилиши эса бир қатор қулайликларга сабаб бўлди. Мижоз заводнинг савдо-сотиқ бўлимига ташриф буюриб, ҳужжатларни расмийлаштиради ва штрих кодга эга бўлади. Айнан шу ернинг ўзида электрон навбат ҳам шаклланади. Шундан сўнг, харидор назорат ўтказиш жойида штрих кодини сканердан ўтказади, ҳужжатлар тўғри бўлса, кириш учун рухсат олади. Сўнгги босқич юклаш жараёни ҳисобланади. Бунда ҳам штрих коднинг ўзи кифоя қилади.

Эътиборли томони, тизимнинг ўзи Савдо-сотиқ бўлимида расмийлаштирилган маълумотларга асосланган ҳолда маҳсулотларни автотранспорт ёки темирйўл транспорт воситаларига юклайди. Натижада юклаш ҳужжатларини тезкор қабул қилиш имкони яратилиб, хизмат кўрсатиш тезлиги 2 баробарга оширилди. Бундан ташқари, автотранспорт ва махсус юклаш воситаси ҳамда темирйўл транспортининг давлат рақамини тизим видео тасвирга олиб штрих код билан солиштириб боради. Юклаш жараёни ҳам тўлиқ видеокузатув остида кечади.

ОКМК Ахборот хизматининг маълумот беришича, бу каби дастурий таъминот ОКМКда илк маротаба қўлланилмоқда. У аввал мавжуд бўлган тизимлардан қулайлиги ва бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради ҳамда жуда самарадор. Цемент заводларидаги тайёр маҳсулотни юклаш жараёнини автоматлаштирилган тарзда назорат қилиш тизими нафақат ишчи-ходимлар учун, балки мижозларга ҳам қулайликлар яратади. Мазкур тизим юклаб жўнатилаётган маҳсулотнинг аниқ ҳисобини олиб бориши билан бирга жараёнларнинг шаффофлигини ҳам таъминлайди. Бу эса ишлаб чиқарувчи ҳамда мижоз ўртасидаги ишончни оширади.

Рақамлаштириши борасида ўтган 5 ойда ОКМКда 14 та лойиҳа якунланган бўлиб, улардан электрон ҳужжат айланиш ва электрон почта тизимлари такомиллаштирилди. Кон-геологик комплекс ахборот тизимини дастурий таъминоти ўрнатилди. Транспорт GPS мониторинги ва ёнилғи назорати тизими функциялари кенгайтирилди. Бундан ташқари, 2022 йил якунига қадар комбинатда рақамлаштириш доирасида 60 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Хусусан, Ангрен кон бошқармасида “Тоғ-кон диспетчери” тизими, “Ёшлик-I” ва “Қалмоққир” кон-транспорт комплексининг автоматлаштирилган бошқарув тизими, шунингдек Мис бойитиш фабрикаси, Мис эритиш заводи, Хондиза кон бошқармаси, Ангрен кон бошқармасида технологик жараёнларни автоматлаштириш ва модернизация лойиҳалари жорий этилади.

# Ертикан сув омборида нима гап?

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда “Намангандаги сув омборидан сув сизиб чиқди” деган мазмундаги хабарлар тарқалди. Маълумотларга қараганда, гап Косонсой туманида жойлашган Ертикан сув омбори ҳақида кетган. Бу ерда чиндан ҳам 13 июнь куни иншоот тўғони яқинидан сув сизиб чиқиши кузатилган.**



Биз Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вилоят бошқармаси мутасаддиларига мурожаат қилдик. Уларнинг сўзларига кўра, ташкилот масъул ходимлари тегишли мутахассислар билан биргаликда воқеа юз берган жойга бориб вазиятни ўрганишган. Аниқланишича, омборнинг тўғонга туташ икки жойидан (секундига 5 ва 10 литрдан) сув сизиб чиқиши 13 июнь куни чамаси соат 19 дан бошланган. Тўғоннинг ўзи мустаҳкамлиги, аҳолига ва атроф-муҳитга хавф йўқлиги маълум бўлган.

– Мен мазкур сув омборидан унча узоқ бўлмаган масофада, Қўқимбой қишлоғида яшайман, – деди Ғолибжон Бобоев. – Воқеа ҳақида қўни-қўшнилардан эшитдим. Аҳоли ўртасида ваҳима ёки саросима сезилмади. Ҳамма ўз иши билан банд. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг хабари билан танишдик.

Ҳолатни бартараф этиш мақсадида Косонсой сув омборидан сув келиши тўхтатилган, Иншоотнинг ўзидан эса сув чиқариш миқдори кўпайтирилган. Бунинг учун Калбува ва “Муса ариқ” ташламаларидан фойдаланилмоқда. Вазиятни кузатиб бориш мақсадида мутахассислардан иборат назорат пости ташкил этилган.

Рўй берган ҳолатга ойдинлик киритиш учун биз вилоят сув хўжалиги бошқармасининг сув омборлари бошқармаси бош муҳандиси Обиджон Ҳамробоев билан боғландик.

– Қўқимбой қирлари орасида жойлашган бу иншоотнинг биринчи навбати ўтган асрнинг 89-91 йилларида барпо этилган, – деди у. – Ўшанда у 12 миллион куб метрга мўлжалланган бўлса-да, яқин пайтгача 2-3 миллион куб метрдан ортиқ оби ҳаёт тўпланмаган. 2017 – 2019 йилларда “Ертикан”нинг иккинчи навбати қурилиб, сиғими янада оширилган. Ҳозир у йигирма миллион куб метр сув йиғиш имкониятига эга. Уч кун илгари бу миқдорнинг ўн саккиз фоизига тенг оби ҳаёт мавжуд эди. Юзага келган вазият эса мутахассисларимиз томонидан атрофлича ўрганилмоқда. Қисқа муддатда хулосалар чиқарилади ва зарур чора-тадбирлар белгиланади.

Шу ўринда Наманган географик жиҳатдан жойлашган ўрни бўйича ўзига хос хусусиятга эга – Норин-Сирдарё ҳавзасининг текисликлари, тоғлик, қир-адирликлардан иборат эканини қайд этиш лозим. Ерларни суғоришда ўзи оқар сувлардан, насос-куч воситаларидан, шимолий ҳудудлардаги қир-адирликларни сув билан таъминлашда эса маҳаллий сойларнинг ўзанида қурилган сунъий сув омборларидан кенг фойдаланилади.

Вилоятда 9 та сув ва 8 та сел омборлари мавжуд. Чуст туманидаги “Резаксой” (лойиҳавий сиғими – 300 млн куб метр), Попдаги “Жийдалисой” (лойиҳавий сиғими – 44 млн куб метр), шунингдек, Чортоқ туманидаги “Чортоқ” (лойиҳавий сиғими – куб 30 млн метр) иншоотлари сиғими жиҳатидан энг катта саналади. Барча сунъий сув ҳавзаларида гидроиншоотларнинг техник ҳолати мунтазам равишда малакали мутахассислар томонидан доимий назорат қилиб борилмоқда,

Баҳор ва ёз ойларида одатда сел ва тошқинлар кузатилади. Шунинг учун ҳар бир сув ва сел омборида навбатчилик ташкил этилган. Техноген ва фавқулодда вазиятлар содир бўлганда хабардор қилиш тизими ишлаб чиқилган. Аҳолини огоҳлантирувчи сиреналар, алоқа воситалари ва қўшимча электр таъминоти воситалари доимо шай.

## “Denov Realtor servis” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Денов тумани “Asqarali Dehqon bozori” масъулияти чекланган жамияти тугатиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарори ва жамият тугатиш комиссиясининг 2022 йил 18 апрелдаги йиғилиш баёни қарорига асосан Узун тумани, Оқтумшуқ маҳалласи, Оқтумшуқ қишлоғида жойлашган тугатиш комиссиясига тегишли **умумий ер майдони** – 1,67 Га, **қурилишости майдони** – 101,0 квадрат метр, **фойдаланиш майдони** – 80,38 квадрат метр бўлган бино ва иншоотлар қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 232 124 014 сўм.

**Савдо 2022 йил 25 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.** Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (12.00 дан 13.00 гача тушлик).

**Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 23 июль соат 17.00 гача.

Ушбу бино ва иншоотлар 2022 йил 25 июль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2022 йил 25 август куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

**Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 24 август куни соат 17.00 гача.

Савдога қўйилган бино ва иншоотлар билан тугатиш комиссияси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳоси 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 9049 5464 6001 ТИФ Миллий банк Денов бўлими МФО 00845 СТИР 302 191 030.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

**Закалат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабгорлар савдо ташкилотчисига аукцион савдо ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этадилар:**

**Ўзбекистон Республикаси фуқароси** – паспорт нусхаси аукционда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

**хорижий юридик шахслар** – уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

**хорижий фуқаролар** – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;

**Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар** – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

закалат пулини тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил:** Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 55-уй.

**Телефон/факс:** 76-413-16-56.

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0105-сонли лицензия.*

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ электрон онлайн аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 20 июндаги 156-сонли буюртмономасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Мужрим Обид кўчаси, 86-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 ВА 105 бўлган, "ТТЗ-80.10" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 5 688 800 сўм.

2. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 ВА 014 бўлган "2ПТС-4-793А" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 3 545 100 сўм.

3. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 ВА 018 бўлган "2ПТС-4-793А" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 3 545 100 сўм.

4. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 ВА 025 бўлган "2ПТС-4-793А" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 4 726 800 сўм.

5. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 ВА 027 бўлган "2ПТС-4-793А" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 4 726 800 сўм.

6. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 ВА 033 бўлган 2ПТС-4-793А русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 3 545 100 сўм.

**Аукцион савдо 2022 йил 25 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 22 июль куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 25 июль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар ҳар 15 кунда 2022 йил 31 декабрь кунига қадар, соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш куни олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг 2022 йил 22 июндаги 30/4/1-8951-сонли буюртмономасига асосан, Тошкент шаҳар ва вилоятларда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такрорий очиқ аукцион савдога қўйилмоқда:**

1. Тошкент шаҳрида сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, шасси (кузов) рақами 25285, двигатель рақами 495068, техник носоз, "МАЗ-5335" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 17 629 000 сўм.

2. Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида сақланаётган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, шасси (кузов) рақами 21429, двигатель рақами 696973, техник носоз, "МАЗ-5335" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 19 345 000 сўм.

3. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, шасси (кузов) рақами 001570, двигатель рақами 024401, техник носоз, "ВТ-150Л" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 20 600 000 сўм.

4. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, шасси (кузов) рақами 001426, двигатель рақами 024110, техник носоз, "ВТ-150Л" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 20 600 000 сўм.

5. Фарғона вилояти, Қувасой шаҳрида сақланаётган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, шасси (кузов) рақами 700596, двигатель рақамисиз, техник носоз, "ЗИЛ-131" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 29 265 000 сўм.

6. Тошкент шаҳрида сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, шасси рақами 76N017255, двигатель рақами 002681, техник носоз, "АУДИ S8" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 108 705 000 сўм.

**Аукцион савдо 2022 йил 13 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 8 июль куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 13 июль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг жума куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ электрон онлайн аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога Ўзбекистон Республикаси "G'ALLA-ALTEG" АЖнинг 2022 йил 21 июндаги 09/309-сонли буюртмономасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 37-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:**

2021 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 948 CFA бўлган, "MERCEDES-BENZ S450 4MATIC" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 2 891 780 800 сўм.

**Аукцион савдо 2022 йил 25 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 22 июль куни соат 18.00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 25 июль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари ҳар 15 кунда 2022 йил 31 декабрь кунига қадар соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш куни олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "LOMBARD SHOKIR INVEST" МЧЖнинг 2022 йил 20 июндаги 128-сонли ариза буюртмономаси ҳамда Тошкент шаҳри, Сергели тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 31 майдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2, 51-уй, 10-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 6694 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,67 гр., ч.в. 3,57 гр. 583 з.у. | 1 226 880,00 |
| 2. | 6800 | Занжир 1 дона о.в. 8,76 гр., ч.в. 8,76 гр. 585 | 1 496 853,00 |
| 3. | 8251 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,72 гр., ч.в. 3,72 гр. 500 | 1 269 693,90 |
| 4. | 8651 | Узук ва сирға 1 та тўплам о.в. 6,14 гр., ч.в. 5,54 гр.500 | 1 893 480,00 |
| 5. | 8816 | Занжир 2 дона, кулон 2 дона о.в. 6,06 гр., ч.в. 6,06 гр. 585 | 2 298 591,00 |
| 6. | 8953 | Сирға 3 жуфт нуқсонли, узук 1 дона нуқсонли, кулон 2 дона, занжир 3 дона о.в. 41,47 гр., ч.в. 37,89 гр. 750 | 14 741 286,00 |
| 7. | 9120 | Колье 1 дона о.в 4,10 гр., ч.в , 4,10 гр., 585, кулон 1 дона, узук 1 дона о.в. 9,81 гр., ч.в. 6,48 гр. 500 | 3 658 455,00 |
| 8. | 9392 | Узук 2 дона о.в. 3,18 гр., ч.в. 2,88 гр. 585 | 1 159 234,24 |
| 9. | 9535 | Занжир 1 дона, кулон 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 16,34 гр., ч.в. 16,34 гр. 585 | 6 537 346,88 |
| 10. | 9798 | Сирға 1 жуфт нуқсонли о.в. 4,41 гр., ч.в. 4,41 гр. 585, узук 1 дона нуқсонли о.в 3,28гр, ч.в 3,28 гр. 500 | 3 282 173,44 |
| 11. | 9998 | Сирға 1 жуфт нуқсонли о.в. 2,16 гр., ч.в. 1,86 гр. 500 | 540 273,92 |
| 12. | 10509 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 2,14 гр., ч.в. 2,14 гр. 585, занжир 1 дона о.в 6,02 гр., ч.в 6,02 гр. 500 | 3 318 016,32 |
| 13. | 10663 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,42 гр., ч.в. 3,22 гр. 585 | 1 397 044,80 |
| 14. | 10764 | Узук 1 дона нуқсонли, занжир 1 дона, кулон 1 дона о.в. 9,92 гр., ч.в. 9,22 гр. 585, узук 4 дона о.в 10,32гр, ч.в 9,62 гр. 500 | 7 147 500,00 |
| 15. | 10796 | Узук 1 дона о.в. 1,55 гр., ч.в. 1,55 гр. 500 | 436 050,00 |
| 16. | 10927 | Узук 1 дона о.в 2,27 гр., ч.в 2,27 гр. 585, сирға 1 жуфт, узук 1 дона о.в. 6,04 гр., ч.в. 5,44 гр. 500 | 3 511 500,00 |
| 17. | 10950 | Узук 2 дона о.в. 5,73 гр., ч.в. 5,73 гр. 585 | 2 167 695,00 |
| 18. | 10965 | Билагузук 1 дона о.в 2,26 гр. ч.в 2,26 гр. 585, узук ва сирға 1 тўплам, сирға 1 жуфт о.в. 11,07гр. ч.в10,27 гр. 500 | 5 632 500,00 |
| 19. | 11018 | Сирға 1 жуфт нуқсонли о.в. 3,83 гр., ч.в. 3,53 гр. 500 | 1 239 000,00 |
| 20. | 11019 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,40 гр., ч.в. 3,40 гр. 585 | 1 572 300,00 |
| 21. | 11045 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 3,06 гр., ч.в. 2,76 гр. 500 | 1 087 500,00 |
| 22. | 11116 | Узук 1 дона о.в. 2,49 гр., ч.в. 2,00 гр. 500 | 936 000,00 |
| 23. | 11123 | Узук 2 дона нуқсонли о.в. 3,29 гр., ч.в. 2,99 гр. 500 | 1 375 350,00 |
| 24. | 11221 | Узук 1 дона о.в. 1,50 гр., ч.в. 1,50 гр. 500 | 663 300,00 |
| 25. | 11239 | Сирға 1 жуфт о.в. 5,29 гр., ч.в. 4,29 гр. 583 з.у. | 1 735 920,00 |
| 26. | 11251 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 1,93 гр., ч.в. 1,83 гр. 583 з.у., узук 2 дона о.в. 8,14 гр., ч.в 7,74 гр. 500 | 4 344 750,00 |
| 27. | 11277 | Узук 2 дона нуқсонли о.в. 11,73 гр., ч.в. 11,13 гр. 585 | 3 057 000,00 |
| 28. | 11325 | Узук 1 дона о.в. 2,31 гр., ч.в. 2,31 гр. 500 | 1 072 350,00 |
| 29. | 11326 | Узук 1 дона о.в. 1,42 гр., ч.в. 1,42 гр. 500 | 663 300,00 |
| 30. | 11352 | Сирға 1 жуфт о.в. 2,55 гр., ч.в. 2,15 гр. 585 | 921 514,18 |
| 31. | 11368 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 5,36 гр., ч.в. 4,46 гр. 500 | 2 041 950,00 |
| 32. | 11375 | Занжир 1 дона о.в. 3,49 гр., ч.в. 3,49 гр. 500 | 1 471 426,05 |
| 33. | 11466 | Узук 1 дона о.в 0,83, ч.в 0,73 гр. 585, узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 11,91 гр., ч.в. 10,11 гр. 500 | 4 950 750,00 |
| 34. | 11483 | Узук 2 дона о.в 5,99 гр., ч.в 5,59 гр. 585, занжир 1 дона, кулон 1 дона, узук 1 дона о.в. 22,63 гр., ч.в. 22,63 гр. 500 | 12 843 900,00 |
| 35. | 11498 | Узук 1 дона о.в. 2,66 гр., ч.в. 2,66 гр. 585 | 1 239 000,00 |
| 36. | 11499 | Узук 2 дона о.в. 8,20 гр., ч.в. 7,90 гр. 585 | 3 057 000,00 |
| 37. | 11524 | Узук 1 дона о.в. 2,17 гр., ч.в. 1,97 гр. 500 | 852 978,00 |
| 38. | 11526 | Сирға 1 жуфт, узук 1 дона нуқсонли о.в. 3,57 гр., ч.в. 2,67 гр. 500 | 1 239 000,00 |
| 39. | 11545 | Узук ва сирға 1 тўплам о.в. 6,36 гр., ч.в. 6,36 гр. 500 | 2 905 500,00 |
| 40. | 11605 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 1,79 гр., ч.в. 1,19 гр. 500 | 557 250,00 |
| 41. | 11654 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,08 гр., ч.в. 3,06 гр. 583 з.у | 951 150,00 |
| 42. | 11664 | Сирға 1 жуфт нуқсонли, билагузук 1 дона, занжир 1 дона о.в. 5,76 гр., ч.в. 5,66 гр. 585 | 2 602 500,00 |
| 43. | 11706 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,86 гр., ч.в. 3,00 гр. 500 | 1 269 300,00 |
| 44. | 11780 | Сирға 2 жуфт о.в. 8,68 гр., ч.в. 7,88 гр. 585 | 3 602 400,00 |
| 45. | 11834 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 5,41 гр., ч.в. 4,81 гр. 500 | 2 208 600,00 |
| 46. | 11889 | Узук ва сирға 1 тўплам о.в. 5,72 гр., ч.в. 4,82 гр. 585 | 2 009 356,90 |
| 47. | 11958 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 1,16 гр., ч.в. 0,86 гр. 500 | 350 491,69 |
| 48. | 12094 | Занжир 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 9,09 гр., ч.в. 8,7 гр. 585, сирға 1 жуфт о.в 3,11 гр., ч.в 3 гр. 583 з.у. | 5 329 500,00 |
| 49. | 12122 | Узук ва сирға 1 тўплам о.в. 7,75 гр., ч.в. 6,85 гр. 500 | 3 057 000,00 |
| 50. | 12132 | Занжир 1 дона нуқсонли о.в. 3,34 гр., ч.в. 3,34 гр. 585 | 1 451 100,00 |
| 51. | 12195 | Узук ва сирға 1 тўплам нуқсонли о.в. 5,70 гр., ч.в. 3,60 гр. 500 | 1 663 200,00 |
| 52. | 12206 | Узук 1 дона о.в. 2,03 гр., ч.в. 1,70 гр. 585 | 614 024,93 |
| 53. | 12212 | Узук 1 дона о.в. 3,91 гр., ч.в. 3,61 гр. 585 | 1 663 200,00 |
| 54. | 12247 | Сирға 1 жуфт о.в. 5,80 гр., ч.в. 4,20 гр. 500 | 1 935 900,00 |
| 55. | 12322 | Занжир 1 дона, кулон 2 дона, сирға 1 жуфт, билагузук 1 дона о.в. 36,62 гр., ч.в. 35,12 гр. 500, кулон 1 дона о.в 1,45 гр., ч.в 1,05 гр. 585 | 15 177 000,00 |
| 56. | 12357 | Сирға 1 жуфт нуқсонли о.в. 2,38 гр., ч.в. 1,98 гр. 500 | 867 219,00 |
| 57. | 12436 | Занжир 1 дона о.в. 7,18 гр., ч.в. 7,18 гр. 500 | 3 284 250,00 |
| 58. | 12512 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,18 гр., ч.в. 2,98 гр. 500 | 1 375 350,00 |
| 59. | 12571 | Занжир 1 дона о.в. 8,33 гр., ч.в. 8,33 гр. 500 | 3 738 750,00 |
| 60. | 12615 | Узук 1 дона о.в. 2,04 гр., ч.в. 1,94 гр. 585 | 784 500,00 |
| 61. | 12686 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 1,69 гр., ч.в. 1,39 гр. 585 | 648 150,00 |
| 62. | 12819 | Узук 1 дона о.в. 2,79 гр., ч.в. 2,79 гр. 500 | 1 087 500,00 |
| 63. | 12820 | Узук ва сирға 1 тўплам о.в. 5,01 гр., ч.в. 5,01 гр. 585 | 2 299 500,00 |
| 64. | 12830 | Узук 1 дона о.в. 1,96 гр., ч.в. 1,96 гр. 585, занжир 1 дона о.в. 5,76 гр., ч.в. 5,76 гр. 500 | 3 057 000,00 |
| 65. | 12831 | Занжир 1 дона о.в. 2,25 гр., ч.в. 2,25 гр. 585 | 875 400,00 |
| 66. | 12882 | Сирға 1 жуфт о.в. 6,20 гр., ч.в. 5,90 гр. 585 | 2 451 000,00 |
| 67. | 12883 | Сирға 1 жуфт о.в. 5,30 гр., ч.в. 5,30 гр. 585 | 2 299 500,00 |
| 68. | 12922 | Занжир 1 дона нуқсонли о.в. 3,34 гр., ч.в. 3,34 гр. 585 | 1 284 450,00 |
| 69. | 13015 | Колье 1 дона, сирға 1 жуфт, сирға жуфтсиз 1 дона о.в. 6,22 гр., ч.в. 5,72 гр. 585 | 2 602 500,00 |
| 70. | 13032 | Сирға 1 жуфт о.в. 4,70 гр., ч.в. 3,50 гр. 500 | 1 239 000,00 |
| 71. | 13151 | Узук 1 дона о.в. 2,36 гр., ч.в. 2,16 гр. 583 з.у. | 996 600,00 |
| 72. | 13183 | Занжир 1 дона, колье 1 дона нуқсонли о.в 6,4 гр., ч.в 6,3 гр. 585, сирға 2 жуфт, узук 4 дона нуқсонли о.в. 13,96 гр., ч.в. 12,46 гр. 500 | 8 359 500,00 |
| 73. | 13300 | Кулон 1 дона о.в. 1,44 гр., ч.в. 1,44 гр. 585 | 572 400,00 |
| 74. | 13302 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 2,08 гр., ч.в. 1,88 гр. 585 | 814 800,00 |
| 75. | 13320 | Занжир 1 дона о.в. 9,96 гр., ч.в. 9,96 гр. 500 | 4 541 700,00 |
| 76. | 13368 | Узук 1 дона, кулон 1 дона нуқсонли о.в. 3,51 гр., ч.в. 3,33 гр. 585; узук 2 дона, занжир 1 дона, кулон 1 дона о.в. 6,49 гр., ч.в. 6,09 гр. 750 | 4 299 300,00 |
| 77. | 13369 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 2,84 гр., ч.в. 2,84 гр. 500 | 1 314 750,00 |
| 78. | 13370 | Узук 1 дона о.в. 2,03 гр., ч.в. 2,03 гр. 500 | 708 750,00 |
| 79. | 13371 | Узук 1 дона о.в. 2,99 гр., ч.в. 2,97 гр. 500 | 1 011 750,00 |
| 80. | 13374 | Узук 2 дона о.в. 3,13 гр., ч.в. 3,03 гр. 500 | 860 250,00 |
| 81. | 13390 | Кулон 1 дона, занжир 1 дона о.в. 3,46 гр., ч.в. 3,46 гр. 585 | 1 390 500,00 |
| 82. | 13399 | Узук 1 дона о.в. 1,87 гр., ч.в. 1,67 гр. 500 | 784 500,00 |
| 83. | 13420 | Узук 1 дона о.в. 2,87 гр., ч.в. 2,67 гр. 585 | 1 042 050,00 |
| 84. | 13423 | Колье 1 дона, узук 1 дона о.в. 6,48 гр., ч.в. 5,88 гр. 585 | 2 693 400,00 |
| 85. | 13424 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,84 гр., ч.в. 3,24 гр. 585 | 1 405 650,00 |
| 86. | 13491 | Занжир 1 дона о.в. 7,20 гр., ч.в. 7,20 гр. 585 | 3 299 400,00 |
| 87. | 13536 | Билагузук 1 дона о.в. 4,30 гр., ч.в. 4,30 гр. 500 | 1 981 350,00 |
| 88. | 13613 | Узук ва сирға 2 тўплам, билагузук 1 дона о.в. 22,15 гр., ч.в. 18,45 гр. 500, узук 2 дона о.в 5,21 гр., ч.в 4,91 гр. 585 | 10 632 000,00 |
| 89. | 13645 | Узук 1 дона о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,85 гр. 583 з.у. | 1 314 750,00 |
| 90. | 13663 | Узук 1 дона, о.в. 2,52 гр., ч.в. 2,02 гр. 585, сирға 1 жуфт о.в. 5 гр., ч.в. 4 гр. 500 | 2 299 500,00 |
| 91. | 13668 | Занжир 1 дона о.в. 7,61 гр., ч.в. 7,61 гр. 583 з.у. | 1 845 000,00 |
| 92. | 13671 | Занжир 1 дона о.в. 8,45 гр., ч.в. 8,45 гр. 585 | 3 814 500,00 |
| 93. | 13695 | Узук 1 дона о.в. 1,72 гр., ч.в. 1,72 гр. 583 у.в., узук 1 дона, билагузук 1 дона о.в. 4,89 гр., ч.в. 4,69 гр. 585, узук 2 дона, сирға 1 жуфт о.в. 14,03 гр., ч.в. 14,03 гр. 500 | 8 571 600,00 |
| 94. | 13711 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 3,46 гр., ч.в. 3,46 гр. 585 | 1 390 500,00 |
| 95. | 13802 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 10,78 гр., ч.в. 10,78 гр. 585 | 4 753 800,00 |
| 96. | 13975 | Узук ва сирға 1 тўплам, узук 2 дона нуқсонли о.в. 9,75 гр., ч.в. 8,25 гр. 500 | 3 769 050,00 |
| 97. | 14098 | Узук 2 дона о.в. 2,38 гр., ч.в. 2,38 гр. 585 | 1 102 650,00 |
| 98. | 14118 | Сирға 1 жуфт о.в. 4,65 гр., ч.в. 4,25 гр. 500 | 1 951 050,00 |
| 99. | 14185 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 0,73 гр., ч.в. 0,73 гр. 585 | 345 150,00 |
| 100. | 14248 | Узук 2 дона нуқсонли о.в. 5,28 гр., ч.в. 4,48 гр. 500 | 1 784 400,00 |
| 101. | 14288 | Сирға 1 жуфт, узук 1 дона о.в. 7,14 гр., ч.в. 6,54 гр. 500 | 2 996 400,00 |
| 102. | 14367 | Узук 1 дона о.в. 2,65 гр., ч.в. 2,55 гр. 585 | 996 600,00 |
| 103. | 14445 | Узук 1 дона о.в. 3,59 гр. ч.в. 3,49 гр. 585, узук 1 дона о.в. 3,86 гр., ч.в. 3,56 гр. 500 | 3 208 500,00 |
| 104. | 14446 | Узук 2 дона о.в. 4,43 гр., ч.в. 4,33 гр. 500 | 1 981 350,00 |
| 105. | 14517 | Узук 1 дона о.в. 2,66 гр., ч.в. 2,06 гр. 500 | 936 000,00 |
| 106. | 14605 | Билагузук 2 дона о.в. 45,34 гр., ч.в. 44,34 гр. 500 | 16 692 000,00 |
| 107. | 14616 | Билагузук 1 дона, сирға 2 жуфт, узук 1 дона о.в. 15,75 гр., ч.в. 14,25 гр. 585 | 6 496 050,00 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **296 277 904,25** |

Аукцион савдолар **2022 йил 26 июль** куни соат 11,00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 22 июль куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2022 йил 26 июль** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 9, 23 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16,00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# “БИЗДА АМАЛИЁТ ВА НАЗАРИЯ БИРГАЛИКДА ОЛИБ БОРИЛАДИ”

**Алишер ҒАНИЕВ,**
Самарқанд архитектура ва қурилиш техникуми директори.

**Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилганидан хабарингиз бор. Йиғилишда юртбошимиз касб-ҳунар таълимини замон талабларига мослаштириш бўйича янги тизим жорий қилиниши зарурлигини таъкидлади.**







Янги тизимга кўра, 45 та коллеж Бандлик вазирлиги тизимига ўтказилиб, уларнинг ўрнида мономарказлар ташкил этилиши, олий таълим вазирлиги барча касб-ҳунар мактаблари ва техникумларни бошқариш ва методик таъминлашга масъул бўлиши белгилаб қўйилди.

**“Бугунги кунда олий таълим тизимидаги катта ислоҳотлар ўз натижасини беришни бошлади. Жорий йилда 36 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилди. Энди профессионал таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш – олий таълим вазири, унинг ўринбосарлари, ректорларнинг энг устувор вазифаси бўлиши керак. Бу жуда муҳим вазифа, тизимли иш ташкил этилмаса, одамлар рози бўлмайди”**, деди Президентимиз йиғилишда.

Бунинг учун Профессионал таълимни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унга 50 млрд сўм йўналтирилиши ҳамда вилоят, туман ва шаҳарларда Касб-ҳунар таълими кенгашлари ташкил этилиши ҳам айтилди.

Ҳақиқатан ҳам, юртбошимизнинг куйинчаклик билан айтган барча мулоҳазалари келгуси авлоднинг малакали кадрлар бўлиб етишиб чиқиши учун хизмат қилиши аниқ. Зеро, Ватанимиз азал-азалдан жаҳон маданияти цивилизациясига улкан ҳисса қўшган юзлаб буюк алломалар, олиму фузалоларга бешик бўлгани ҳар бир киши кўнглида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Қадимий диёримиздан етишиб чиққан улуғ аждодларимиз ўз тафаккур маҳсуллари билан дунё тамаддунидан муносиб ўрин эгаллаганини ҳеч ким инкор этмаса керак, албатта. Энг муҳими, бугунги авлод ҳам маърифатга интилиш, фан-техника ижодкорлиги ва яратувчанлиги йўлида ота-боболаримиз изидан бораётгани қувончлидир. Илмга чанқоқ йигит-қизларимиз қалбида, қонида жўш ураётган ижобий фазилатлар, бебаҳо кашфиётлар юрт фаровонлиги, тараққиётига хизмат қилишга йўналтирилаётгани айни муддао.

Бу борада Қурилиш вазирлиги тасарруфидаги ўқув муассасаларида амалга оширилаётган турли тадбирлар диққатга сазовор. Янги аср истеъдодларини кашф этиш, архитектура, дизайн, қурилиш соҳасида қобилиятли ёшларни излаб топиш, улардаги иқтидор учқунларини қўллаб-қувватлаш ва алангалаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, айниқса мақтовга лойиқдир. Бунинг натижасида ҳар йили соҳага институт ва техникумларни муваффақиятли тамомлаган, ишлаб чиқаришга тайёр, етук мутахассислар, малакали кадрлар кириб келаётир.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги Самарқанд архитектура-қурилиш техникуми Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда Қурилиш вазирлигининг буйруғига асосан ташкил этилган. Халқ хўжалигининг ўндан зиёд тармоғи учун кадрлар тайёрлаш зиммасига юкланган. Айни пайтда мазкур йўналишлар бўйича 300 дан ортиқ ўқувчилар таҳсил олиб, ўз билим ва малакаларини мустаҳкамлаяптилар.

Техникумда таълим жараёнлари мукаммал дастур ва ўқув-меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилаётир. Устозларнинг СамДАҚИ профессор-ўқитувчилари билан яқин ҳамкорликда иш юритаётганлиги дарс сифатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, диплом олди ишлаб чиқариш амалиёти Самарқанд вилоятидаги “Agromir building” МЧЖ, Ургут тумани “Сам Ургут Бинокор”, Нурobod тумани қурилиш бўлими, Жомбой тумани “Озодбек Улуғбек маҳсулотлари” МЧЖ, Булунғур тумани “Шоҳжахон Қаршиев” хусусий корхонаси, Иштихон тумани “Мега темир-бетон” МЧЖ, Самарқанд шаҳар “Gayturus Hamkor” хусусий корхонаси, Ургут тумани “Yarosh FAYZ” хусусий корхонаси, Қашқадарё вилояти Қамаши тумани қурилиш бош бошқармаси Қамаши тумани бўлими, “Movarounnaxr ARCHDESIGN” МЧЖ, Самарқанд вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Нурobod тумани кўчмас мулк кадастри, Давлат кадастрлари палатаси Самарқанд вилояти бошқармаси, Давлат кадастрлари палатаси Навоий вилояти бошқармаси Қизилтепа тумани филиали, Самарқанд “Ҳудуд газ таъминоти” филиали, Ургут тумани “Газ сервис” МЧЖ, Каттақўрғон тумани газ таъминоти корхонаси, Самарқанд шаҳар “Ашур карвон қурилиш ва қайта таъмирлаш” МЧЖ, Ургут тумани “Евроазия қурувчи ташкилоти” МЧЖ, Пастдарғом тумани “Xovand AMIR” корхонаси, Самарқанд шаҳридаги “Таъмир лойиҳа” МЧЖ, “Intelekt engineering Samarkand” МЧЖ, “MO GROUP AOC” МЧЖ, “Меъмор обод сервис” МЧЖ, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани қурилиш бўлими каби йирик корхона ва ташкилотларнинг тажрибали ходимлари қўлида ўтилаётгани ўз самарасини беряпти. Шу боисдан, ўқувчилар турли кўрик-танлов ва илмий-амалий анжуманларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда қурилиш соҳасини ривожлантириш ҳамда кун сайин қамрови ортиб бораётган бунёдкорлик ишлари самарадорлигини ошириш энг аввало етук, юксак билим ва профессионал малакага эга кадрлар тайёрлашга боғлиқ. Бу борада ҳам техникум жамоаси ибратли тадбирларни амалга ошираётганини таъкидлаш лозим. Педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари фарзандлар камолини, уларнинг келажагини ўйлаб иш юритаётгани таҳсинга лойиқ. Бу борада битирувчи талабаларнинг дипломолди амалиётини бажариши ҳамда “Малакавий битирув (диплом) иши” тайёргарлиги бўйича жойларда ўзларининг малакавий диплом ишлари мавзуларини ишлаб чиқариш амалиётига боғлаб ўтаётгани катта самара бермоқда.

Ўқувчилар корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ билан бирга илмий ечимларни бажараётгани янада яхши натижаларни беряпти. Улар назария билан амалиётни яқинлаштириш, техникумда олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида турли мавзуларга оид диплом ишларини тайёрлашмоқда. Бекали Иванов, Бегали Камолов, Давлатжон Тоиров, Шуҳрат Алиқулов, Шаҳзода Қудратова, Асадбек Жумаев, Баҳодир Жабборов каби ўқувчиларни синовдан ўтказганимизда улар пухта билимга эга эканликларини намойиш этдилар. Асосийси, айрим ўқувчиларнинг лойиҳалари аллақачон ишлаб чиқаришга жорий қилинаётгани бизнинг ютуғимиздир. Яқинда техникумда ўтказилган “Дипломолди амалиётида диплом лойиҳа ишларини қўллаш” мавзусидаги семинарда битирувчилар томонидан тайёрланган малакавий битирув ишининг амалиётда қўлланилиши тақдимотида иштирок этган мутахассислар юқори баҳо берганликлари ҳам бунинг исботидир.

# ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРС БИТИРУВЧИЛАРИ

## қурилиш соҳаси тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди

**Умар РАСУЛОВ,**
Навоий архитектура ва қурилиш техникуми директори.

**Бугунги кунда дунёнинг барча минтақаларида ишчи кучига бўлган талаб юқори. Жаҳон меҳнат бозори эса фақат малакали мутахассисларга эҳтиёж сезаётгани ҳам бор гап. Ўз навбатида юқори малакали мутахассисларнинг даромади ҳам баланд бўлади.**



Демак, қурилиш соҳасида ислоҳотларни амалга оширишга қўйилаётган талабларни тўлақонли бажарилиши бевосита мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ошишига олиб келмоқда.

15 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши айни бизнинг фаолиятимизни ривожлантириш борасида муҳим қадам бўлди. Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари “2022 йилнинг ўзида 16 миллиард долларлик 9 мингдан зиёд йирик ва ўрта лойиҳалар ишга туширилиб, уларга 300 мингга яқин малакали ишчилар керак бўлади. Камбағалликни 2 баравarga қисқартириш бўйича марраларга ҳам одамларга фақат ва фақат замонавий касблар бериш орқали эриша оламиз”, дея таъкидлади. Шунингдек, сўнгги 3 йилда “Ишга марҳамат” мономарказлари ташкил қилиниб, одамларни касбга ўргатиш бошлангани, лекин бу тизим 5-10 фоиз ишсизларни қамраб олиши ҳақида фикрлар билдирилди.

Дарҳақиқат, қисқа вақт ичида соҳада ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун қайта ўқитиш ва малака ошириш бўйича техникумлар таркибида қисқа муддатли курслар фаолияти йўлга қўйилганидан хабарингиз бор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4962-сон қарорига асосан, бу борада янги тизим вужудга келди.

Бугун меҳнат бозорида қурилиш соҳаси мутахассисларига бўлган талаб юқорилигини инобатга олган ҳолда асосий урғу малакали кадрларни тайёрлашга қаратилмоқда. Бунинг учун Қурилиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Мудофаа ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш марказлари республика миқёсида ҳар бир вилоятда ташкил этилди. Қарорга кўра, Навоий архитектура ва қурилиш техникуми таркибида ҳам “Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази” ташкил этилди.

Мазкур қисқа муддатли ўқув курсларини сифатли ва самарали ташкил этиш мақсадида техникумнинг моддий-техник базаси замонавий ўқув қуроллари ҳамда жиҳозлар билан қайта таъминланди. Жумладан, 1 та спорт зали, 170 ўринли ошхона, 300 ўринли ётоқхона, ўқув-амалиёт хоналари қайтадан тўлиқ жиҳозланиб, асбоб-ускуналар келтирилди. Ўқув хоналари замонавий кўргазмалар билан бойитилиб, ўқув-амалиёт дарсларини мазмунли ва самарали ташкил этиш мақсадида керакли хомашё базаси ташкил этилди. Эътиборлиси, бу ерда қурилиш соҳаси бўйича кўникмалар ўрганилиши баробарида хорижий тиллар ҳамда ишчилар борадиган мамлакатларнинг тарихи, анъаналари, урф-одатлари ва қонунчилигини ўргатиш бўйича ҳам ўқув курслари ташкил этилган. Ўқув-амалиёт полигони ҳам янги талаб бўйича тузилиб, қўшимча 150 ўринли устахона қуриб фойдаланишга топширилди. Қисқа муддатли курсларда ўқиётган ўқувчиларга сифатли таълим олишлари учун стипендия, яшаш ҳамда овқатланиш харажатлари давлатимиз томонидан таъминлаб берилмоқда.

Техникумда юртимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари буюртмалари асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган. Айни пайтда бу ерда сантехник жиҳозларини монтаж қилиш ишлари, электромонтажчи (электр монтаж ишлари), Электрогазпайвандлаш, кран машинисти, дурадгорлик, бўёқчи-безакчи (қурилиш ва пардозлаш ишлари), гипсокартон монтажчиси, стропалчи, пўлат ва темир конструкциялари ишлаб чиқариш, қопловчи плиткачи, бетон (темир-бетон ишлари), том ёпувчи, қурилиш-пардозлаш ишлари каби 14 та касб бўйича тингловчилар таҳсил олмоқда. Дарсларнинг 30 фоизи назарий ва 70 фоизи амалий билим кўникмаларини беришга қаратилган. Эътиборлиси, амалий машғулотлар қурилиш ташкилотларида ва ўқув-амалиёт полигонларида олиб борилади.

Ҳар бир ўқишга келаётган фуқарога Бандлик бош бошқармаси томонидан стипендия тўланади, ўқиш якунида эса малака сертификатлари ҳам берилади. Марказ тингловчиларида ватанпарварлик ҳамда юртга садоқат туйғуларини ошириш, уларга тартиб-интизомни ўргатиш ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини юксалтириш мақсадида Мудофаа вазирлигининг тажрибали инструкторлари ишга жалб қилинган.

Бугунга қадар юқоридаги касблар бўйича техникумни 994 нафардан ортиқ ўқувчи битириб, ўз соҳалари бўйича мутахассисга айланди. Хорижга чиқувчиларга турли касблардан ташқари чет тиллари ҳам бепул ўқитилди. Бундан ташқари, россиялик мутахассислар иштирокида қисқа муддатли ўқув курслари ҳам ташкил этилди. Россиянинг “Твест М”, “Паҳлавон”, “Панорама”, “Техстрой”, “Амурская”, “Велесстрой” қурилиш корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Марказ битирувчилари ўртасида малакавий имтиҳонлар ўтказиш йўлга қўйилган. Белгиланган намунадаги сертификатлар, шу жумладан, WORLDSKILLS стандартлари бўйича имтиҳон топширганларга халқаро малакавий ҳужжат берилиши назарда тутилган. Ҳозирда қисқа мудатли курсларни ўқиб тугатган 994 нафар фуқаронинг 250 нафари хорижий давлатларда шартнома асосида ишламоқда. Демак, шунча хонадоннинг фаровонлиги ошган, моддий аҳволи яхшиланмоқда.

Яқинда техникумимизда “Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш” мавзусида Республика илмий-амалий семинари ташкил этилди. Унда иштирокчилар таълим муассасамизда амалга оширилаётган ишлар ва яратилган шароитлар билан танишдилар. Тажрибали ўқитувчиларнинг касбий маҳоратлари оммалаштирилди. Хусусан, Архитектура йўналиши ўқитувчиси М. Ашурова “Макет ясаш ишлари” мавзусидаги ўқув-амалиёти дарсида ўқувчилар томонидан тайёрланган қурилиш биноларининг макетлари ва уларни тайёрлаш жараёнларини намойиш этди. “Дурадгорлик ва пол ётқизиш ишлари” йўналишида ишлаб чиқариш таълими устаси У. Ёдгоров ўқув устахонасида ўқувчилар билан “Ёғоч бирикмаларини тайёрлаш” мавзусида ёғоч материалидан дераза ромларини тайёрлаш жараёнини кўрсатиб берди. “Электрогазпайвандлаш” йўналиши ўқувчилари томонидан қурилиш транспорт техникаларининг макетларини тайёрлаш жараёни намойиш этилди. Бино ва иншоотлар қурилиши йўналишида “Ғишт-тош териш ишлари технологияси” фанидан назарий дарс жараёни кузатилиб, ўқувчилар томонидан амалий топшириқлар бажариб кўрсатилди.

Булардан ташқари, семинар иштирокчилари инструктор Ж. Шерқулов томонидан марказ учун яратилган шароитлар (ўқув полигони) ҳамда махсус техникалардан амалиёт жараёнида қандай фойдаланиш ва уларнинг ишлатилиши билан яқиндан танишдилар. Хусусан, Қурилиш вазирлиги томонидан таълим-тарбия жараёнини сифатли ва самарали ташкил этиш мақсадида берилган турли замонавий техника воситалари – “КамАЗ” русумли автосамосвал, бульдозер, фронтал юк ортгич, ғилдиракли экскаватор, “ISUZI” русумли автобус техникаларини ишлаш жараёни кўрсатилди.

Бир сўз билан айтганда, яратилган шароит ва берилган имконият бежиз кетмаяпти. Бугун бу ерда таълим олиб, касб ўрганаётган ҳар бир инсон келажакда нафақат ўз оиласининг моддий аҳволини яхшилаши, балки юртимиз қурилиш соҳаси тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**Июнь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги атроф ҳудудни ободонлаштирувчи **Рустам Агзамов,** Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Баҳодиржон Алимов,** Ахборотларни таҳлил қилиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўлими бош мутахассиси **Камил Захидов,**

Андижон вилояти, Марҳамат тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Фазлиддин Мамасафаров,**

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспекторлари **Латифжон Маматов, Ихтиёр Исақулов,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали бош мутахассиси **Рано Темирова,**

Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Фаррух Жамолов,**

Тошкент вилояти, Қибрай тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Дилшод Маҳмудов,**

Хоразм вилояти, Хива шаҳар қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Машарип Исмоилов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлик тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-643.
2210 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 22.46.
Топширилди – 23.30.

1 2 3 4 5 6